

125 – الرَّابُعُ: وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ نَاسًا قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، ذَهَبَ أَهْلُ الدُّثُورِ بِالْأُجُورِ،
يُصَلُّونَ كَمَا نُصَلِّي، وَيَصُومُونَ كَمَا نَصُومُ، وَيَتَصَدَّقُونَ بِفُضْلِ أَمْوَالِهِمْ، قَالَ: «أَوْ لَيْسَ قَدْ جَعَلَ اللَّهُ
لَكُمْ مَا تَصَدَّقُونَ بِهِ! إِنَّ بِكُلِّ تَسْبِيحَةٍ صَدَقَةً، بِكُلِّ تَحْمِيدَةٍ صَدَقَةً، بِكُلِّ تَهْلِيلَةٍ
صَدَقَةً، وَأَمْرٌ بِالْمَعْرُوفِ صَدَقَةً، وَنَهْيٌ عَنِ الْمُنْكَرِ صَدَقَةً وَفِي بُطْنِ حَدِيقَتِكُمْ صَدَقَةً» قَالُوا: يَا رَسُولَ
اللَّهِ؛ أَيَّاً تِي أَحَدُنَا شَهْوَتَهُ وَيَكُونُ لَهُ فِيهَا أَجْرٌ؟ قَالَ: «أَرَأَيْتُمْ لَوْ وَضَعَهَا فِي حَرَامٍ أَكَانَ عَلَيْهِ وِزْرٌ؟
فَكَذِلَكَ إِذَا وَضَعَهَا فِي الْحَلَالِ كَانَ لَهُ أَجْرٌ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ. [1006].

«الدُّثُورُ» بِالثَّاءِ الْمُتَّثَّةِ: الْأَمْوَالُ، وَاحِدُهَا: ذَرْ.

125. Яна у кишидан ривоят қилинади:

Инсонлар: «Эй Аллоҳнинг Расули! Давлатмандлар ажрларни илиб кетишиди. Улар биз намоз ўқиганимиздек намоз ўқишади, биз рўза тутганимиздек рўза тутишади. лекин ортган мол дунёларидан садақа ҳам қилишади», дейишиди. У зот: «Ахир, Аллоҳ сизларга ҳам садақа қиласиган нарсалар бериб қўймаганми? Ҳар бир тасбех садақадир, ҳар бир такбир садақадир, ҳар бир ҳамд садақадир, ҳар бир таҳлил садақадир, маъруфга буюриш ҳам садақадир, мункардан қайтариш ҳам садақадир. (Хатто) бирингизнинг яқинлик қилишида ҳам садақа бор», дедилар. Улар: «Эй Аллоҳнинг Расули! Биримиз шаҳватини қондирса ҳам бунда ажр бўладими?» дейишиди. У зот: «Айтинглар-чи, агар ўшани ҳаромдан қондирса, бу унга гуноҳ бўлармиди? Худди шунингдек, уни ҳалолдан қондирса унга ажр бўлади», дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ушбу ҳадисда мусулмонларнинг биринчи авлодига хос бир фазилат устида сўз бормоқда. У ҳам бўлса, савоб иш қилишда бир-биридан ўтишга бўлган ҳаракат ва унга эришиш йўлларини излашдир.

Фақир-мискинликлари туфайли бой-бадавлатларга ўхшаб садақа қила олмай, қул озод қила олмай юрган муҳожир саҳобалар қандоқ қилиб кўпроқ ажру савобга эга бўлишлари мумкинлигини сўраб келишди. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни субҳаналлоҳ, алҳамдулилла ва Аллоҳу акбар деб айтиб, зикр қилишга ҳамда амру маъруф ва наҳий мункар қилишга иршод этдилар.

Бошқа ривоятда эса қуидагича келган.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Фақир муҳожирлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Кўп молли кишилар даражотларни ва доимий неъматни олиб кетдилар», дейишиди. У зот:

«У нимадир?» дедилар. Улар:

«Биз намоз ўқиганимиздек, намоз ўқирлар. Биз рўза тутганимиздек, рўза тутарлар. Улар садақа қилурлар. Биз садақа қила олмасмиз. Улар қул озод қилурлар, биз озод қила олмасмиз», дедилар.

У зот:

«Сизни ўзингиздан олдингиларга етиб олишингиз, ўзингиздан кейингилардан ўтиб кетишингизга сабаб бўладиган, сиздан ҳеч ким афзал бўлмайдиган, фақат сиз қилганини қилсагина бўладиган нарсага далолат қилайми?» дедилар. Улар:

«Ха, эй Аллоҳнинг Расули», дейишиди.

«Ҳар намоздан кейин ўттиз уч марта тасбих, такбир ва ҳамд айтасиз», дедилар. Абу Солих:

«Фақир муҳожирлар яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига қайтиб келиб:

«Аҳли мол биродарларимиз биз қилган нарсани эшитиб қолиб, ўшанга ўхшаш ишни қилдилар», дейишиди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ул Аллоҳнинг фазлидир, хоҳлаган кишиисига берур», дедилар».

Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

